

Faollik-farovonlik omili

// 14.10.2024

https://uzkimiyosanoat.uz/oz/press/news/faollik-farovonlik-omili

ФАОЛЛИК – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жаҳаида улкан иктомий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, юртимизда аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Турли вазирлик ва идоралар қаторида "Ўзимёсанот" акциядорлик жамияти жамоаси томонидан ҳам хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, аҳолининг иктомий ҳимояга муҳтож қатламига қўмаклашиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

■ Гендер тенглиги

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишлари янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва иктомий ҳаётининг барча жаҳаида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур қабул қилинди.

Ҳужжатда бир қатор бошқарма ва муассасаларда аёллар сонини камида 30 фоизга етказиш, хотин-қизларни ўқитиш ҳамда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун маблағ, уй-жой шароитини яшилалашга субсидиялар ажратиш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда "Ўзимёсанот" АЖ тармоқ корхоналарида 28 минг 301 нафар мутахассис фаолият қоритди, шулардан 9 минг 883 нафари, яъни 35 фоизи аёллардир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг оқорида қайд этилган Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тизим корхоналарида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий қилиш белгиланди.

Маслаҳатчиларнинг вазифалари қаторига аёл ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний мафратларини ҳимоялаш, аёллар ҳамда эркеклар учун тенг меҳнат шароитларини таъминлаш, шунингдек, жамоа аъзоларининг оилалари фаровонлигини қўллаб-қувватлаш каби муҳим тадбирлар кирди. Оилада зўравонлик, аёллар ҳамда қизларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, мактабгача таълим муассасаларида бахтли оналик ва бола парваршини учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, халқаро конвенциялар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги меъёрларида белгиланган хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этиш жараёнини мунтазам назорат қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, аёлларнинг иктомий, иқтисодий ва сиёсий фаоллиги, давлат ва жамият бошқарувидаги, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишдаги ролини ошириш учун шарт-шароит яратилмоқда. Ходимларимизнинг касбий ўсиши, илм-фан ва иқод, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордик чикариши учун имкониятлар мавжуд.

Эътиҳамдан хотин-қизларнинг иктомий ҳимояси таъминланган. Хусусан, ёғиз оналарга ёки ногиронлиги бор болаларни тарбиялаётган аёлларга дори-дармон сотиб олиш, уй-жойни таъмирлаш учун



тўлов, болалар овқатлари хариди учун моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хотин-қизлар орасида тарбиявий ишларни фаоллаштириш, жиниятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашининг замонавий усулларини жорий этиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида 500 дан зиёд аёллар меҳнат қилаётган корхоналарда хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи, бош мутахассислар, психолог лавозимларини жорий этиш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда "Навоийазот" ва "Фаргоназот" акциядорлик жамиятларида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда психологлар, "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти, "Аммофос-Максам" акциядорлик жамияти ва Кўнгирот сода заводидида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият қоритиб келишаётди.

Ўтган йилда "Ўзимёсанот" акциядорлик жамияти томонидан моддий-иктомий ёрдам кўрсатиш доирасида 5 нафар ходимнинг ҳонадонидида таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2 минг 766 хотин-қизга дори-дармон сотиб олиш харажатлари тўлаб берилди. 3 минг 779 нафар кам таъминланган оилага озик-овқат пакетлари, 26 нафар ёлғиз онага олий ўқув юрларида ўқитган фарзандларининг таълим олиш учун шартнома пуллари тўлаб берилди. 134 нафар кўп болали онага моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз ва корхоналар раҳбариятининг бундай гомўрлигига хотин-қизлар меҳнатдаги муваффақиятлари, юксак иктомий фаоллиги билан жавоб беришмоқда. Жумладан, ўтган йилда "Навоийазот" акциядорлик жамияти полипропилен ҳрп ишлаб чикариш цехи оператори Насиба Файзуллаева Президент Фармонига биноян "Шўҳрат" медали билан тақдирланган бўлса, бундан бир йил аввал шу корхонанинг поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чикариш мажмуаси ходи-

маси Махлиё Шарипова "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланган эди.

Айтиш керакки, юртимизда акциядорлик жамиятининг хотин-қизлар фаоллигини иктомий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти юксак баҳоланмоқда. Айнан Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган "Аёлга саодат беринг!" шиори остидаги иктомий роликлар танловида "Ўзимёсанот" акциядорлик жамияти аёллари ҳақида тайёрланган видеоролик иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Бу ҳақи ҳаммаси эмас. Олий Мақлис Сенати томонидан ўтказилган "Гендер тенглик фаоли — 2022" миллий танловда аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан энг фавол корхона сифатида "Деҳқонубод калий заводи" акциядорлик жамияти жамоаси гендер тенгликни таъминлагани учун эътироф этилди. Маъзур корхонанинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси Мухтасар Каримова жорий йилда "Ибратли оила" кўкрак нишонини билан тақдирланди. Қолаверса, ўтган йили маъзур танловда "Навоийазот" акциядорлик жамияти гомиб бўлган бўлса, ушбу корхонанинг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Содирова "Муътабар аёл" кўкрак нишонини билан рағбатлантирилди.

Жорий йилда акциядорлик жамияти корхоналарида илк бор "Фаол инноватор аёл" кўрик-танлови ўтказилди. Унда кимёгар аёллар 22 та лойиҳа билан иштирок этди. Гомилар кимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Эътиборлиси, танловда гомиб бўлган хотин-қизлар малкаа ошириб, ўз корхоналарида рақбарлик лавозимларини эгаллаш учун заҳирага киритилди. Энг яхши лойиҳалар корхона маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун тақлиф этилади. Келгусида ўрта махус маълумотга эга иштирокилар гомиб бўлса, унга иктисослаштирилган олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тавсиянома берилади, шартнома асосида қабул қилинган иқтидор эгаларига эса харажатлар корхона томонидан тўланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги "Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидида хотин-қизларни илм-фан, таълим ҳамда илмий-иқодий фаолиятга кенг жалб этиш, замонавий кадрлар тайёрлашда, меҳнат бозоридида талаб оқори бўлган касблар, аёллар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини қўллаш борасида аниқ вазифалар белгиланган эди.

Унинг иқроси доирасида акциядорлик жамиятининг тўрт нафар ходимаси Вазирлар Маҳжамаси ҳузуридидаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабидида "Корпоратив бошқарувининг замонавий амалиёти ва тамойиллари" бўйича қисқа муддатли курсда таҳсил олиб сертификатларга эга бўлди. Бу билан Кузатув кенгаши

таркибига кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Маълумки, бугунги кунда аёллар бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис "Ўзимёсанот" акциядорлик жамияти томонидан бу борада хайрли ташаббуслар амалга оширилаётди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори иқроси асосидан ипакчилик йўналиши бўйича юмё санюати корхоналари ходимларининг оила аъзолари учун қўшимча иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, ҳар бир корхонада юқоридидаги муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос ёндашувлар қўлланилди.

Масалан, "Навоийазот" акциядорлик жамияти томонидан ходимларнинг ишсиз оила аъзолари рўйхати шакллантирилди. Кармана туманидаги "Navoiy Silk Production" акциядорлик жамияти, Навбахор туманидаги "Al-Aziz Iragi" кластери билан 100 нафар пиллакдорнинг ҳамкорлиги асосида 112 нафар ипакчининг бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат шартномалари имзоланди. Жами 212 нафар ишсиз фуқаро маъсумий иш билан таъминланди. Натикада пиллакчилар 10200 килограмм пилла топширди. Шунингдек, "Навоийазот" акциядорлик жамиятига қарашли бўш ҳудудларга 20 минг туп кўчати экилди.

Яна бир тизим қорхонаси — "Аммофос-Максам" акциядорлик жамияти билан 125 кишини маъсумий ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузилди. Ташкент вилоятининг Бўка туманида "Toshkent Silk Pro" МЧК билан ҳамкорликда 65 нафар, Суангарон туманида "JinJuz Silk Co" МЧК ХК билан ҳамкорликда 60 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Пиллакчилар саккиз тоннадан зиёд пилла топширди, қорхона ҳудудида 20 минг туп кўчати экилди.

"Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти "Nurafshon Silk Co" МЧК билан шартнома тузиб, яна 100 нафар фуқарони вақтинча иш билан таъминлаш мақсадида ипак кўрти етказиб беришни ташкил этиб, уларага 5900 килограмм пилла, майдонларга экилган саккиз минг туп кўчати топширилди. Шунингдек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида "Максам-Чирчиқ" ва "Аммофос-Максам" акциядорлик жамиятлари ҳудудларида "Кимёгар аёллар боғи" барпо этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш дастури асосида "Ўзимёсанот" ва "Навоийазот" акциядорлик жамиятларида миллий матолар — атлас, адрас, беқасам, табиий ипак, калава, хун ва миллий матоларни қўлда ишлаб чикариш бўйича хумарманд аёлларни жалб этиди. "Навоий адреси" касаначилик цехи ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Пировард мақсад аса хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган.

Санабор АБДУРАҲМОнова,
«Ўзимёсанот» АЖ бошқаруви раиси
маслаҳатчиси.

"O'zbekimiyosanoat" Ajda gender tengligini ta'minlash borasida olib borilayotgan ishlar haqida "Xalq so'zi" gazetasida maqola chop etildi.

